Инв. № 8
Гос. книжная палата УзССР

БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

# СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 180 (18.956). ● Чоршанба, 8 август 1984 йил ● Баҳоси 3 тийин.

# ҒЎЗА ПАРВАРИШИДА СУРЪАТ ВА СИФАТ!

● ОЗАРБАЙЖОНЛИК МУСОБАҚАДОШЛАР ЖИЗЗАХ ОБЛАСТИ ПАХТАЗОРЛАРИДА

## ҲАМ ЎРГАНИБ, ҲАМ ЎРГАТИБ

Қардош Озарбайжон республикаси Қишлоқ хўжалик министрлигининг бош агрономи Адишерон Иса ўғли Гусаинов бошчилигидаги пахтакорлари Жиззах области далаларига келишди. Мусобақадошлар орасида Озарбайжон республика Агдам районидаги Йигирма олти Боку комиссари номли колхознинг пахтакори Алиева Зевар Сулаймон қизи каби номдор пахтакорлар ҳам бор. Озарбайжонликлар текширишни қўриқ Жиззах областининг Мирзачўл районидан бошладилар. Райондаги С. Сегизбоев номли совхознинг Валентина Шчипачёва бошлиқ бригадаси далаларини кўздан кечиришар экан, ғўзалар серҳосил бўлиб ўсаётганидан, қатор ораларига ишлов бериш сифати юксаклигидан, суғориш, озиқлантириш яхши ташкил этилганидан жуда мамнун бўлдилар.

— Мен қардош ўзбек халқи пахтакорларини ўзимнинг устозим деб биламан, — дейди Зевар Сулаймон қизи. — Мана бугун биз ўзбек диёрида пахтачилик бригадаси бошлиғи бўлиб ишлаётган рус қизини кўриб ғоятда қувондик. Бу бригада аъзолари ҳар гектар ердан 40 центнердан ҳосил учун курашмоқдалар. Ҳозирги кундаги ғўзаларнинг ривожи кўзланган марра албатта эгалланишидан далолат беряпти. Биз ўзаро текшириш мобайнида ўз тажрибаларимизни жиззахлик пахтакорларга гапириб бериш билан бирга улардан ҳам жуда кўп омилкорлик сирларини ўргандик ва буни боргач ўз далаларимизда ҳам синашга аҳд қилдик.

Мусобақадошлар, шунингдек, Абай номли совхознинг Маҳкам Жорқинбоев бошлиқ бригада даласини ҳам кўздан кечириб, пахтакорларнинг ишларидан хурсанд бўлдилар. Райондаги Тошкент номли, Арнасой районидаги Конев номли, Рокоссовский номли, Дўстлик районидаги Қ. Раҳимов, Мамажон Дадажонов, А. Саркисов номли совхозларнинг пахта далаларини кўздан кечирдилар. Дастлабки кунда мусобақадошлар ўзлари бўлган далаларда олиб борилаётган ишлар ҳақида фикрларини очиқ-ойдин дўстона мулоҳазалар асосида айтишдики, бу жиззахлик пахтакорларни янги марралар сари руҳлантирди. Мусобақадошлар областдаги бошқа районларда ҳам бўлиб, пахтакорларнинг ишлари билан яқиндан танишдилар, ғўза парваришидаги айрим камчиликларни кўрсатиб ўтиб, қимматли маслаҳатлар беришди.

МЕХАНИЗАТОР МИНБАРИ

## ДЕҲҚОН МАДАДКОРИ

**Пахтачиликни тараққий эттириш техника воситаларидан нечоғли самарали фойдаланишга боғлиқ эканлигини ҳозир даврнинг ўзи кўрсатмоқда. Шу туфайли қишлоқ хўжалигига комплекс механизацияни тобора кенгроқ жорий этишга барча ерда катта эътибор берилмоқда.**

Совхозимиз меҳнат аҳли бу йил ҳосилдорликни 37 центнерга, ялпи хирмонни 6 минг тоннага етказиш мажбуриятини қабул қилишган. Бу юксак марра осонликча эгалланмаслигини яхши биламиз. Ҳаммамиз бир ёқадан бош чиқариб, астойдил меҳнат қилсак, кўзланган маррани эгаллашимиз мумкин бўлади.

Тажрибадан маълумки, комплекс парвариш сифати механизатор малакасига кўп жиҳатдан боғлиқ. Культиваторларнинг ишчи органлари тўғри ўрнатилмаса, ҳамда тўлиқ бўлмаса парвариш сифати бузилади, кўнгилдаги самарага эришиб бўлмайди. Шунинг учун ҳар бир механизатор культиваторда бирорта ҳам нуқсон бўлмаслигини таъминлаши керак.

Баъзи механизаторлар культивацияни пала-партиш ё тупроқ тобга келмай, ёки муддатни ўтказиб бошлашади. Ҳар икки ҳолатда ҳам ғўза наф кўрмайди. Биринчи ҳолатда ортиқча намга эга бўлган тупроқ зичлашиб қотади, экин илдизларини қисиб, ривожни тўхтатади. Иккинчи ҳолатда, кесак кўчади. Оқибатда ғўзанинг очилиб қолган илдизлари озуқа моддаларидан яхши баҳра ололмайди. Ҳатто қуёш уриб, қуриб қолиши мумкин.

Бундан шу хулоса келиб чиқадики, деҳқон суянчиғи ҳисобланган механизатор суғоришдан кейинги мўътадил муддатни топиши, бунинг учун ҳақиқий кузатув олиб бориши зарур.

Айни кунларда республикамиз, хусусан совхозимиз пахтазорларида юбилей йили катта хирмонининг тақдири ҳал қилинмоқда. Уни бунёд этиш, ўз вақтида тиклаш ва юқори сифатли бўлишини таъминлаш биз пахтакорларнинг, техника жиловкорларининг қўлида. Шу ўринда айрим мулоҳазаларимни айтиб ўтмоқчиман. Маълумки, пахта етиштиришдан мақсад тола олишдир. Аммо республикамизда кейинги йилларда тонналар салмоғи ортганлиги билан ундан тола чиқими пасайиб кетди. Бу пахта етиштириш ва уни йиғиб-териб олишда технологияга риоя қилинмаслик оқибатидир.

Кўплаб областлар, районлар, хўжаликларда она-Ватанга шунча тонна пахта топширдик, деб керилиш, ҳайбаракаллачилик кайфияти ҳукмрон бўлди. Ана шу тонналардан қанча тола чиқади? Бунга кўпгина ҳолларда эътибор берилмади. Пахта заводларида деҳқонларнинг йил бўйи пешана тери эвазига етиштирган пахтасининг сортини пасайтиришдан манфаатдорлик кучайиб кетди. План бажаришда кўзбўямачиликка йўл қўйилди. Ўзлари етиштирган ҳосилни эса пландан ташқари хом ашё сифатида топшириб, қўшимча мукофотлар олдилар. Ҳар қандай ҳолларда ҳам бу кўзбўямачиликлар бевосита далада ишлаётганларга зарар келтиради. Энди бунга бутунлай барҳам бериш пайти келди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми бундай кўринишларни ҳаққоний, принципиал танқид қилди. Партия, совет, хўжалик органларининг зиммасига пахта ҳосилдорлигини оширишга, сифатини яхшилашга, тола чиқимини кўпайтиришга эришиш вазифасини юклади.

Ҳадемай пахта йиғим-терими бошланади. Уни муваффақиятли ўтказиш терим агрегатларидан нечоғли самарали фойдаланишга боғлиқ. Агрегатларнинг юксак унумларда ишлашини эса уларнинг қай даражада шайланганлиги ҳал қилади. Аммо бу муҳим иш ҳамма ерда ҳам кўнгилдагидек олиб борилмапти деб бўлмайди. Кўпинча айрим эҳтиёт қисмлар етишмаслиги туфайли кунлаб бекор туриб қоламиз. Натижада етилган пахта вақтида терилмай, сифати бузилади. Ёки ёғингарчилик бўлиб қолса, бир кунлик иш бир неча кунга чўзилиб кетади.

Айрим ҳолларда ғўза барги яхши тўкилмаганлиги, қатор ораларида ғўза билан баравар ўсиб кетган бегона ўтлар борлигига қарамай, далаларга терим агрегатлари киритилаверади. Натижада пахта ифлосланиб, сорти пасаяди, тола чиқиши камаяди. Энг ёмони шундаки, қабул пунктларида хом ашё хўжаликлар бўйича қабул қилинади. Бундай ҳолда бригада пудрати асосида ишлаётган, фақат сифатли «оқ олтин» топширишдан манфаатдор бўлган бригадаларнинг сифатли терилган пахтаси билан юқоридаги сорти паст хом ашё аралашиб, унинг ҳам сорти пасайтирилади. Менимча, ҳар бир бригаданинг пахтасини алоҳида қабул қилишни йўлга қўйиш лозим. Ана шунда сифатли пахта топшириш учун барча бирдай жон куйдиради. Чунки сорти паст хом ашё топшириш қанчалик зарарлигини ҳамма яхши билади.

Мўл ҳосил тўплаш ва сифатини ошириш мақсадида совхозимизда махсус назорат комиссияси тузилди. Комиссия культивация, суғориш, озиқлантириш ва чилпишдаги ютуқ-камчиликларни аниқлайди, яхши ишлаётганларни рағбатлантиришга тавсия қилади, улар тажрибасини тарғиб қилади, иш сифати, меҳнат интизомини бузаётганларга чора кўриш учун совхоз маъмурияти билан парткомга таклиф киритади.

Масалан, яқинда комиссия Ғафур Ғаниев бошлиқ бригадада ғўза қатор ораларига ишлов бериш бузилганини аниқлади. Тезда бу ҳолга барҳам бериш чоралари белгиланди. Ўз вазифасига юзаки қараган масъулиятсиз механизаторларга тегишли жазо берилди. Энг муҳими, келгусида бундай нуқсонлар такрорланмаслиги учун қатъиян келишиб олинди.

Мана, деҳқон учун ғоят ғанимат ҳисобланган августнинг бир ҳафтаси ўтди. Одатда августни ҳосилга ҳосил қўшиш ойи ҳисоблашади. Бу даврда парвариш янада кучайтирилиши, культивация ҳар қаторда омилкорлик билан ўтказилиши, хуллас, ҳар туп ғўза ардоқланиши ва қалб кўри билан эъзозланиши талаб этилади.

**Қаюм БЕКМАТОВ,**
**Пастдарғом районидаги Ленин номли совхознинг республикада хизмат кўрсатган механизатори.**

## Ўзаро текшириш давом этмоқда

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» ВА ЎзТАГ МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

● ҚАРДОШ РЕСПУБЛИКАЛАР — ОЗАРБАЙЖОН, ТОЖИКИСТОН, ВА ТУРКМАНИСТОН ПАХТАКОРЛАРИ

ЎЗАРО ТЕКШИРИШ БРИГАДАЛАРИНИНГ ҚИММАТЛИ МАСЛАҲАТЛАРИГА АМАЛ ҚИЛИБ, ҒЎЗА ПАРВАРИШИНИ КУН САЙИН КУЧАЙТИРАЙЛИК!

● ЙИҒИМ-ТЕРИМ МАВСУМИГА ПУХТА ТАЙЁРЛАНАЙЛИК!



**Туркманистон ўзаро текшириш бригадаси аъзолари Қашқадарё области колхоз ва совхозларида юбилей йили марраларининг бажарилишини синчковлик билан кўздан кечирмоқдалар. Жойларда олиб борилаётган ибратли ишлар, фойдали тажрибаларни ўрганиш билан бир қаторда йўл қўйилаётган камчиликларни кўрсатиб, уларни бартараф этиш бўйича қимматли маслаҳатлар бермоқдалар. Ўзларида қўлланилаётган илғор иш усуллари билан ўртоқлашмоқдалар.**

**Суратда: (чапдан) Чоршанги район агросаноат бирлашмаси совети раиси Турлимурод Сапаров, Дўстлик районидаги «Тошработ» қишлоқ Совети раисаси Ивагул Қурбонова, Ғузор район агросаноат бирлашмаси совети раиси Абдулла Омонов, Охунбобоев номли совхоз директори Очил Кўчкинов, Чоршанги район комсомол комитетининг биринчи секретари Бобоназар Раҳматуллаев, пахтачилик бригадаси бошлиғи Хуррам Турдиевлар далада.**

**Ш. Шаропов** фотоси (ЎзТАГ).

● ТОЖИКИСТОН ССР ЎЗАРО ТЕКШИРИШ БРИГАДАСИ АЪЗОЛАРИ ФАРҒОНАЛИКЛАР ҲУЗУРИДА

## АМАЛИЙ ВА ФОЙДАЛИ МАСЛАҲАТЛАР

Тошлоқ районидаги «Ленинград» колхози пахтакорлари учун барча зарур маданий-маиший шароитлар яратилган. Хўжаликдаги 21 пахтачилик бригадасининг ҳар бирида обод ва шинам дала шийпони, мавсумий болалар яслиси бор. Деҳқонларнинг турмуши ва дам олиши яхши ташкил этилганлиги Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси ташкил этилганлигининг 60 йиллиги нишонланадиган йилда «оқ олтин»дан қирқ центнерли ҳосил олишга интилаётган пахтакорларнинг меҳнат активлигини ўстиришга кўмаклашмоқда.

Тожикистон ССР ўзаро текшириш делегациясининг колхозда бўлган аъзолари шундай хулосага келдилар. Бу ерда ёшу қари далага чиққан. Ғўзаларга интенсив ишлов берилмоқда. Далалар яхши парвариш қилиниб, бегона ўтлардан тозаланган. Кўпгина участкаларда чигит қайта экилганига қарамай, ғўзалар бир текис ривожланмоқда. Мусобақадошлар Киров районидаги «Москва» колхози, Тошлоқ районидаги «Фарғона» колхозида ва бошқа хўжаликларда деҳқонларга маданий-маиший хизмат кўрсатиш дала меҳнаткашларининг иши ва дам олишини ташкил этиш соҳасида кўпгина қизиқарли ишларни кўрдилар.

Қардош республика вакиллари шу август кунлари фарғоналик деҳқонлар мўл ҳосил тўплаш тўғрисида ғамхўрлик қилиб, далаларда меҳнат суръатини пасайтирмаётганликларини мамнуният билан қайд этиб ўтдилар. Шу билан бирга текширувчилар ғўза парваришидаги айрим камчиликларга фарғоналикларнинг эътиборини жалб қилдилар: Тошлоқ, Бағдод районлари ва бошқа районларнинг бир қанча хўжаликларида шарбат усулида суғоришга етарлича эътибор берилмаяпти. Фрунзе, Ёзёвон районларининг баъзи колхоз ва совхозларида ғўзалар секинлик билан чеканка қилинмоқда, сув ресурслари исроф бўлмоқда, қишлоқ хўжалик зараркунандалари тарқалган карталар бор, йиғим-терим техникаси паст суръатлар билан тайёрланмоқда. Тожикистон пахтакорлари ана шу ва бошқа камчиликларни кўрсатиб ўтиб, уларни бартараф этиш юзасидан фарғоналик деҳқонларга кўпгина фойдали маслаҳатлар беришди. «Оқ олтин» йиғим-терими бошлангунга қадар далаларда қизғин меҳнатни сусайтирмаслик — уларнинг асосий маслаҳатидир.

● ТУРКМАНИСТОНЛИК «ОҚ ОЛТИН» УСТАЛАРИНИНГ ҚИММАТЛИ МАСЛАҲАТЛАРИ ВА ТАКЛИФЛАРИ

## МУСОБАҚА — ЗАФАРЛАР ОМИЛИ

Туркманистон ССРнинг Чоржўй области билан Қашқадарё области меҳнаткашлари бир неча йиллардан буён мусобақалашиб ишлаб, меҳнатда янгидан янги муваффақиятларга эришмоқдалар. Куни кеча чўлқуварлар Чоржўй область ижроия комитети раисининг биринчи ўринбосари, область агросаноат бирлашмаси совети раиси А. Рау бошлиқ ўзаро текшириш бригадаси аъзоларини зўр қувонч билан қарши олдилар. Мусобақадошлар уч группага бўлиниб, область далаларини кўздан кечирмоқдалар.

Юбилей йилида қашқадарёликлар 650 минг тонна «оқ олтин» етиштиришга сўз беришган. Айни пайтда ана шу юксак хирмон учун ҳал қилувчи курашни қизғин давом эттиришяпти. Ҳар бир деҳқоннинг фикри-зикри далаларда социалистик мажбуриятни қоплайдиган даражада ҳосил тўплашга қаратилаётир. Область пахтакорлари шу кунга қадар ўсимликни беш марта комплекс ишловдан чиқардилар, икки марта обиҳаётга қондирдилар. Мавжуд 220 минг гектар ернинг 100 минг гектаридаги ҳар туп ғўзада 6—7 тадан кўсак санаш мумкин. Илғор коллективлар далаларидаги ғўзаларда бундан ҳам кўп ҳосил нишоналари бор.

Меҳмонлар, айниқса, Нишон районидаги Усмон Юсупов, Сальвадор Альенде номли, Қарши районидаги «Москва», Собир Раҳимов номли, Усмон Юсупов районидаги Калинин номли совхозлар, Шаҳрисабз районидаги Энгельс номли, Қамаши районидаги «Коммунизм йўли», Яккабоғ районидаги «Қизил Ўзбекистон» колхозларида ғўза парвариши уюшқоқлик билан олиб борилаётганлигининг гувоҳи бўлдилар. Тажрибакор коллективларда мўл ҳосил етиштириш учун амалга оширилган агротехник тадбирлардан ғоят қувондилар.

Бироқ меҳмонларни областдаги айрим колхоз ва совхозларда парваришда йўл қўйилаётган камчиликлар ранжитди. Улар қолоқ хўжаликларда ривожланишда орқада қолган ғўзаларни кўрдилар. Суғориш ва культивацияда агротехника талабларига риоя қилмаётган, чеканкани сабабсиз кечиктираётган айрим бригадалар ишидаги нуқсонлар рўй-рост очиб ташланди. Бундай ачинарли манзара Толлимаржон, Кўкдала, Чироқчи, Муборак районларидаги хўжаликларда учради.

Шунингдек, бу йил давлатга бошоқли дон, чорвачилик маҳсулотлари етказиб беришдаги хато ва камчиликлар ҳам кўзга яққол ташланди. Туркманистонлик мусобақадошлар областнинг қайси район ва хўжаликларида бўлган бўлсалар ўн биринчи беш йилликнинг тўртинчи йили план топшириқларини ошириб бажаришда йўл қўйилган нуқсонларни тезроқ бартараф этиш юзасидан ҳамкасбларига қимматли маслаҳатлар бердилар, тегишли фикр ва мулоҳазалар билдирдилар.

## ИБРАТ

**● Беруний районидаги Беруний механизациялашган кўчма колоннаси экскаватор машинисти, Қорақалпоғистон АССР Олий Совети депутати, район партия комитети бюроси аъзоси Сафарбой Норбоев беш йиллик машъалларидан бири ҳисобланади. У ўз агрегати ёрдамида 990 минг кубометр тупроқ ишларини бажариб, ўн биринчи беш йиллик 4 йили план топшириқларини муддатидан анча илгари адо этди. Айни кунларда С. Норбоев 1985 йил ҳисобига меҳнат қилмоқда.**

БУЮК ҒАЛАБАНИНГ 40 ЙИЛЛИГИГА

## ЗАРБДОР ҲАФТАДА — ЗАРБДОР МЕҲНАТ

**Буюк Ғалабанинг 40 йиллиги шарафига 40 зарбдор ҳафта ўтказиш ҳақида москвалик ишчиларнинг ташаббусини «Таштекстильмаш» заводида босим ёрдамида қуюв цехининг коллективи биринчи бўлиб қўллаб-қувватлади. 6 август куни тушлик танаффусда бу ерда митинг бўлиб ўтди.**

Корхонанинг энг кекса ходими, коммунист И. Марсов митингда сўзга чиқиб бундай деди:

— Мамлакатимиз фашист галаларига қарши оғир жанглар олиб борган ўша машаққатли кун ва тунлар халқимиз ёдидан ҳеч қачон чиқмайди. Биз ғалаба қозондик, ўз Ватанимизнигина эмас, балки кўпгина бошқа халқларнинг шон-шарафи ва озодлигини қаттиқ туриб ҳимоя қилдик. Мамлакат Буюк Ғалабанинг 40 йиллигини муносиб кутиб олишга тайёргарлик кўраётган ҳозирги пайтда зарбдор вахтада туриб, шонли санани меҳнатда янгидан-янги зафарлар билан нишонлаш — бизнинг бурчимиздир.

Қуювчилардан В. Воронин, А. Байсаров, митингнинг бошқа қатнашчилари ҳам И. Марсов сўзларини астойдил қўллаб-қувватладилар. Улар Ғалабанинг 40 йиллиги шарафига зарбдор вахтада туриб, энг юқори меҳнат унумдорлигига эришишга, йиғув цехининг тўқув машиналарини аниқ график асосида деталлар билан таъминлаб туришга, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришни кўпайтиришга қарор қилдилар. Юбилей арафасида Тинчлик фонди учун бир кун ишлаб беришга аҳд қилинди. Қуювчилар барча машинасозларни бу ташаббусни қўллаб-қувватлашга чақирдилар.

**(ЎзТАГ мухбири).**

## Планета халқларига тинчлик

Янги жаҳон уруши хавфига қарши, тинчлик, қуролсизланиш ва халқаро хавфсизлик учун кураш оммавий халқ ҳаракати бутун дунёда кун сайин кенгайиб бормоқда. Жаҳон тинчлик кенгашининг қарорига мувофиқ 6 августдан 13 августгача ядро қуролини тақиқлаш ва атом бомбардимони қурбонлари билан бирдамлик учун кураш ҳаракати ҳафталиги ўтказилади. Бу қарорни Советлар мамлакатининг меҳнаткашлари қизғин қўллаб-қувватладилар.

Москва, Ленинградда, иттифоқдош республикалар пойтахтларида, бошқа шаҳарларда жамоатчилик митинглари ва йиғилишлари ўтказилмоқда. Совет кишилари ана шу митинг ва йиғилишларда сўзга чиқиб СССРнинг тинчлик ташаббусларини якдил қўллаб-қувватлаётганликларини изҳор қиладилар. Бу ташаббуслар янги уруш хавфини тугатишга, ҳозирги ва келгуси авлодлар учун тинчликни сақлаб қолишга қаратилган. Хиросима ва Нагасаки шаҳарларига атом бомбалари ташланган кун йиллигида совет тинчлик тарафдорлари жаҳондаги империализмга қарши барча кучларни тўхтовсиз қуролланиш пойгасига чек қўйиш, планетадаги ҳамма халқларга тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш учун бирлашишга ва ўз кучларини активлаштиришга чақирадилар.

Ҳафталик программасига мувофиқ Донецк областининг меҳнат коллективларида тинчлик вахталари ўтказилиб, ишлаб топилган маблағ совет тинчлик фондига ўтказилади. Ворошиловград областининг пионерлари «Хиросима фожиаси такрорланмаслиги керак» шиори остида урушга қарши оммавий йиғилишлар ўтказадилар. «Хабаровск — Владивосток» маршрути бўйлаб тинчликка бағишланган велосипед пойгаси ўтказиш мўлжалланмоқда. Ростов-Донда АҚШдан келган туристлар иштирокида урушга қарши Совет — Америка митинги бўлиб ўтади. Ялтада жамоатчиликнинг чет эллик туристлар билан анъанавий халқаро учрашуви ташкил этилади.

Бутун мамлакатда урушга қарши намойишлар ўтказилиб, уларда минглаб совет тинчлик тарафдорлари иштирок этадилар.

(ТАСС).

## ДЎСТОНА СУҲБАТ

6 август куни КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР мудофаа министри Совет Иттифоқи Маршали Д. Ф. Устинов Иордания хошимийлар қироллиги қуролли кучларининг Совет Иттифоқига келган бош қўмондони генерал-лейтенант Шариф Зайд Бин Шокирни қабул қилди.

Ҳар икки томонни қизиқтирувчи масалалар юзасидан дўстона суҳбат бўлиб ўтди. Д. Ф. Устинов билан Зайд Бин Шокир халқаро вазиятга доир баъзи масалаларни ва жумладан, Яқин Шарқдаги аҳволни ҳам кўриб чиқдилар.

Суҳбатда СССР Мудофаа министрининг биринчи ўринбосари Совет Иттифоқи Маршали С. Л. Соколов, Ташқи иқтисодий алоқалар давлат комитети раисининг биринчи ўринбосари М. А. Сергейчик, бошқа расмий кишилар иштирок этдилар.

## «КОСМОС-1587» ПАРВОЗДА

**1984 йил 6 август куни Совет Иттифоқида Ернинг навбатдаги сунъий йўлдоши «Космос-1587» учирилди.**

**Йўлдош ичига космик фазони тадқиқ қилишни давом эттириш учун мўлжалланган илмий аппаратлар ўрнатилган.**

**Илмий аппаратлардан ташқари йўлдошда орбита элементларини аниқ ўлчайдиган радиосистема, приборлар ва илмий аппаратларнинг иши тўғрисидаги маълумотларни ерга юбориб турадиган радиотелеметрик система бор.**

**Йўлдош ичига ўрнатилган аппаратлар нормал ишлаб турибди. Координация-ҳисоблаш маркази олинаётган маълумотларни ишлаб чиқмоқда.**

**(ТАСС).**

